

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК НОРҚУЛОВИЧ**

**ГЎШТ ВА СУТ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt372 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умурзаков Ўктам Пардаевич,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эгамбердиев Фармонкул Турсунқулович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Кушаров Зоҳид Келдиёрович,**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.А. Чариев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., и.ф.д., профессор

**Б.Ф. Султанов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., кат.и.х.

**Қ.А. Чариев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ҳамда аҳоли сони ортиб бориши шароитида гўшт ва сут етиштириш ҳажмини ошириш зарурияти ортиши туфайли, маҳсулот етиштириш кескин ошириш юқори технологияларга асосланган чорвачилик комплекслари ривожланишини тақозо қилади. ФАО мутахассисларининг фикрича, жаҳонда гўшт ишлаб чиқариш 2001 йилдаги 229 миллион тоннадан 2050 йилда 465 миллион тоннагача (2,1 марта кўп), сут ишлаб чиқариш эса 580 миллион тоннадан 1043 миллион тоннагача (1,8 марта кўп) кўпайиши башорат қилинмоқда<sup>1</sup>. Жаҳон банки маълумотларига кўра, гўшт ва сут маҳсулотларини саноат асосида етиштириш кичик ўлчамдаги хўжаликларга нисбатан иқтисодий самарали ҳисобланади ҳамда бу ҳолатда моддий ва меҳнат ресурслари сарфини, экологик ифлосланиш даражасини назорат қилиш имконияти ортиши таъкидланмоқда<sup>2</sup>. Бунда бир бирлик чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобига атроф-муҳитга етказилган зарар миқдорини ҳозирги даражада сақлаб туриш учун ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштириш зарурати пайдо бўлади.

Сайёрамизда глобал иқлим ўзгариши, эпидемиологик вазият ёмонлашуви боис карантин чекловлари жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми камайиб аҳолининг озиқ-овқат, хусусан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш масаласи қийинлашиши мумкин. Чунки, гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сайёрамиз ер юзасининг 30 фоизи, қишлоқ хўжалиги экинларининг 70 фоизи ҳамда суғориш сувларининг 8 фоизи фойдаланилмоқда<sup>3</sup>. Бу эса чорвачиликда ресурс сарфини тежаш, тармоққа интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда чорвачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Аммо тармоқни модернизациялаш маълум бир йўналишларда амалга оширилиши кутилган натижани бермаётганлиги оқибатида чорва моллари маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда. Истикболда "...қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади"<sup>4</sup>. Шу боисдан чорвачилик тармоғини модернизициялашда масалага комплекс ёшдашув зарурлиги, жумладан техник ва технологик модернизициялашни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг замонавий усулларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/publications/card/en/c/9655af93-7f88-58fc-84e8-d70a9a4d8bec/>

<sup>2</sup> Agricultural Pollution Livestock Wastes. <http://documents.worldbank.org/curated/en>

<sup>3</sup> United Nations Food and Agriculture Organization (FAO), Livestock's Long Shadow: Environmental Issues and Options, 2006. [www.brightergreen.org](http://www.brightergreen.org)

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25 январь 2020 йил. <https://uza.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва тегишли давлат дастурларида белги-ланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чорвачилик тармоғини ривожлантириш, маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш, қорамолчилик хўжаликлари фаолиятида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, сут ва гўшт ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимига инвестицияларни жалб этиш, чорвачилик комплексларини ташкил қилиш масалаларидаги назарий-амалий аҳамиятга эга тавсиялар Ляшенко В., Ситникова И., Горковенко Л., Путенко Я., Мысик А., Третьякова О., Амерсдоффер Ф., Жебит А., Заводчиков Н., Хабарова С.<sup>5</sup> каби бир қатор хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Республикада эса чорвачиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида А.Қодиров, Қ.Чориев, У.Умурзаков, Р.Хусанов, Т.Фармонов, Н.Хушматов, Р.Ҳақимов, Ш.Файзиева, З.Кушаров, А.Юлдашев, С.Абдуллаева, У.Қўччиев, А.Абруев<sup>6</sup> каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари эътиборга молик.

---

<sup>5</sup> В.В.Ляшенко, И.В.Ситникова. Молочная продуктивность и качество молока голштинских коров-первотелок разной селекции, Москва, 2013 г.; Л.Г.Горковенко. Состояние и перспективы совершенствования молочного скотоводства// Переработка молока, №5, 2018 г.; Я.Путенко. Экологическое молоко. [http://www.novostioede.ru/article/ekologicheskoe\\_moloko\\_teryaet\\_popul.](http://www.novostioede.ru/article/ekologicheskoe_moloko_teryaet_popul.); А.Т.Мысик. Животноводство стран мира// Зоотехния. 2005. №1. – с 2-7.; Ф.Амерсдоффер. Прямая и косвенная господдержка молочного производства в Германии // Международный сельскохозяйственный журнал. 2015. №1, – 51-55 с.; А.М.Жебит. Индекс себестоимости производства сырого молока (RMSI) как инструмент снижения волатильности рынка молока. Международный сельскохозяйственный журнал. – 2017. – №5. – 60-61 с.; Заводчиков Н., Хабарова С. Исследование факторов экономической эффективности государственной ветеринарной службы Оренбургской области. – Региональная экономика: теория и практика. Оренбург. 4(43). – 2007. – с-139-142.

<sup>6</sup> Қодиров А., Абдуллоев А. Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожланишининг чет эл тажрибаси ва уни Ўзбекистон шароитига мослаштириш. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Т.: 2007. – 208 б.; Чориев К.А., Тўхлиев Б. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг асосий муаммо ва ечимлари// «Агроиқтисодиёт», №2, 2018 й.; Умурзаков У.П. Аграр ресурсларни баҳолаш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш харажатларини муқобиллаштириш. //Пахтачилик ва дончилик. Т.: – 1998. – №2. 5-8 б.; Фармонов Т. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. иқт. фан. док. ...дисс. – Т., 2006 й., – 83-85-б.; Хушматов Н.С., Файзуллаева Т.. Чорвачиликни ривожлантиришни иқтисодий мувофиқлаштириш

6

Бироқ, чорвачилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий механизмлар жорий қилинаётган, ресурслар харид қилиш шартлари тез ўзгариб бораётган, янги технологик ечимлар пайдо бўлаётган ҳозирги ривожланиш даврида гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар олдига қўйилаётган талаблар ўзгармоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқаришда эркин бозор муносабатлари асосида қўшилган қиймат яратиш йўналишидаги тадбирлар амалга оширилаётганлиги, чорвачилик соҳасида кластерлар ривожланиб бораётганлиги сабабли илмий тадқиқотлар олдига ҳам янги вазифалар қўйилмоқда. Шу боисдан чорвачилик соҳасини модернизациялаш асосида тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш зарурати ортиб бораётгани, мазкур муаммони диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтидаги ҚХФ-1-003 рақамли “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида чорвачилик маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш бўғинида аграр тадбиркорликни ва интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг назарий услубий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гўшт ва сут етиштириш соҳасини модернизациялашни рағбатлантириш йўналишлари ва амалга ошириш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқот вазифалари:**

чорвачилик тармоғини иқтисодий ривожлантиришда модернизация тушунчаси ва унинг амал қилиш қонуниятларини назарий асослаш;

чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда иқтисодий муносабатларни модернизациялашга таъсир қилувчи омилларни тадқиқ этиш;

гўшт ва сут ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялашда илм-фан натижаларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ривожланиши ва самарадорлик даражаси ҳамда хўжалик юритиш субъектларида техник-технологик модернизациялашнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш;

гўшт ва сут маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини иқтисодий ҳамда техник-технологик жиҳатдан модернизация қилишни рағбатлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

---

омиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. – 2012. – Б. 43-44.; Ҳакимов Р. Ўзбекистон Республикаси чорвачилик маҳсулотлари бозори ва тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўналишлари. Монография. Т.: ЧП Воеводина В.Н. 2005 й. 124 б.; Файзиёва Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш: иқт. фан. номз. ...дисс. – Т., 1994. – 77-79-б.; Кушаров З.К. Қишлоқ хўжалигида гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги: иқт. фан. номз. ...дисс. – Т., 2009. – 35-46 б.; Абдуллаева С. Чорвачилик тармоғининг ривожланиш йўналишлари. //Иқтисодиёт ва таълим, № 6. 2011 й., – 82-85 б.; Куччиев У.М. Чорвачилик тармоғида ривожланган давлатлар тажрибаси // Biznes-Эксперт. 2018. №5, 57-59 б.; Аброев А.И. Агросервисни ривожлантириш асосида қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш: иқт.фан номз. ... дисс. – Т., 2018. – 50-70-б.

чорвачилик тармоғини рақамли трансформацион модернизациялаш орқали “ақлли ферма”ларни ташкил этишни рағбатлантириш йўллари бўйича таклифлар тайёрлаш;

чорвачилик тармоғини модернизациялаш орқали гўшт етиштириш ҳажми ўзгаришининг 2025 йилгача бўлган прогнозини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида республикада фаолият юритувчи гўшт ва сут етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Тошкент вилояти чорвачилик хўжаликлари мисолида амалга оширилган.

**Тадқиқот предмети**ни чорвачилик тармоғини модернизациялаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида иқтисодий-статистик, таққослама таҳлил, абстракт фикрлаш, монографик кузатиш ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гўшт ва сут ишлаб чиқариш жараёнини техник ҳамда технологик модернизациялашда “илмий ҳажмдорлик даражаси”ни илмий тадқиқотларга сарфланган харажатлар миқдори, илмий малакали кадрлар салмоғи ва техник таъминот даражаси каби коэффицентлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш усули таклиф этилган;

гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятини модернизациялашни давлат томонидан субсидиялаш, валюта курсини таргетлаш, револьвер ва солиқ кредитлари каби молия-кредит дастаклари орқали рағбатлантириш йўллари асосланган;

чорвачиликда ақлли қурилмалар учун буюртмалар бериш, ишлаб чиқариш ва жорий этишни рағбатлантириш мақсадида “Ақлли чорвачилик тизимини қўллаб-қувватлаш Маркази”ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини венчур фондлари орқали молиялаштириш бўйича таклифлар асосланган;

чорвачилик тармоғини техник-технологик модернизациялаш асосида гўшт етиштириш ҳажми ўзгаришининг 2025 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолатига техник ва технологик жиҳатдан баҳо берган ҳолда чорвачилик соҳасини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлган “илмий ҳажмдорлик даражаси”ни аниқлаш усули тавсия қилинган;

гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятини модернизациялашни давлат томонидан рағбатлантириш борасидаги хорижий тажрибаларни мамлакатимиз шароитида қўллаш бўйича хулосалар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутувчи гўшт ва сут етиштириш соҳасида ақлли қурилмаларни кенг жорий этиш босқичлари асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар жараёнида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган методик ёндашув ва қўлланилган усулларнинг асосланганлиги, фойдаланилган статистик маълумотларнинг расмий манбалардан, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялар чорвачиликда илм-фан натижаларидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, таклиф этилаётган ақлли чорвачилик тизимини ташкил этиш борасида назарий билимларни бойитишга имкон яратади. Тавсиялардан аграр тармоқда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш давлат Дастурлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий натижалардан аграр соҳа олий ўқув юртлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларини такомиллаштириш доирасида кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гўшт ва сут етиштириш тармоғини модернизациялаш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

гўшт ва сут ишлаб чиқаришни техник-технологик модернизациялашда илм-фан натижаларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш усуллари бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 9 октябрдаги 02/023-1482-сон маълумотномаси). Илмий тавсиялар ёрдамида чорвачилик маҳсулотлари, хусусан гўшт ва сут етиштириш жараёнида илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, инновацион ишланмаларнинг амалиётга жорий этиш ҳолатини баҳолаш, соҳада илмий ҳажмдорлик даражасини аниқлаш имкониятини яратган;

гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятини модернизациялашни давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари доирасида инновацион технологияларни субсидиялаш объектлари, мезонлари ва усуллари юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан тегишли дастурларни шакллантириш ва жорий қилишда фойдаланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 9 октябрдаги 02/023-1482-сон маълумотномаси). Бунда давлат тадбиркорнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда мотивация қилиши асосида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш 20-30 фоизгача ошишига эришилади;

чорвачилик тармоғини рақамли трансформацион тизим доирасида модернизациялашда “ақлли ферма”ларни қўллаб-қувватлаш инновацион марказини ташкил этиш орқали ривожлантириш бўйича таклифлар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 9

октябрдаги 02/023-1482-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга қўллаш соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш, ақли қурилмаларга талабни ички имкониятлар эвазига таъминлаш ва моддий рағбатлантириш механизмларини яратиш имконини берган.

гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳолати ҳамда уларнинг ўзгариш динамикасининг башоратлари юзасидан ишлаб чиқилган таклифлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 9 октябрдаги 02/023-1482-сон маълумотномаси). Шу орқали мамлакатимизда гўшт ва сут ишлаб чиқариш тизимининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ўзгариш тенденциялари таҳлил этган ҳолда истиқболда амалга ошириладиган тадбирлар ва ислохотлар йўналишларини танлаб олишга ҳиссасини қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари иккита халқаро ва бешта республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий натижалари 14 та илмий мақола, 9 та илмий-амалий конференция тезислари орқали эълон қилинган. Жумладан, хорижий илмий нашрларда 1 та илмий мақола, хорижий илмий-амалий конференцияларда 3 та тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, таркибига 18 та статистик, таҳлилий, ҳисоб-китоб жадваллари ва 25 та расмларни олган ҳолда 150 саҳифада баён этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотлар долзарблиги, аҳамияти, мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, ўрганилганлик даражаси баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ маълумотлар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасини модернизациялашнинг назарий асослари**” деб номланувчи биринчи бобида модернизация тушунчаси ва унинг амал қилиш қонуниятлари, хусусан модернизация жараёнининг чорвачилик тармоғи фаолияти билан боғлиқ ҳолда табақаланиши, турли иқтисодий назариялар доирасида иқтисодий модернизация тушунчасининг турлича талқинлари асосланган.

Маълумки мамлакатда чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик тармоғининг мустаҳкам озуқа базасини яратиш, хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимини техник-технологик жиҳатдан модернизация қилиш соҳани ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Модернизация атамаси моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак – замонавийлаштириш (лотинча ўзак сўз – *modern* – ҳозирги, замонавий ёки *modernize* – замонавийлаштирмақ) деган маънони англатади. Кўпчилик ҳолларда модернизация атамаси техник қурилмалар, машиналар, техникалар, технологик жараёнларга нисбатан фойдаланилиши унинг бошқа маъноларига эътиборни сусайтирган.

Шу билан бирга жамиятда юз берадиган модернизация жараёни, жамиятни тўлиқ модернизация қилиш ёки қисман модернизация қилиш ҳолатида юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд<sup>7</sup>. Аммо, агарда модернизация жараёни жамият ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юз берадиган бўлса у ҳолда қисман модернизация тўғрисида фикр юритиш анча қийин. Чунки жамият ҳаётидаги қисман модернизация кутилган натижани бермайди ёки кўплаб тўсиқларга дуч келган ҳолда модернизация учун сарфланган инвестицион капиталнинг самарасиз истеъмолига олиб келади. Жамият ҳаётининг барча қисмлари яхлит ўзаро боғлиқликда фаолият юритади. Шу боисдан қисман модернизация, фақатгина технологик модернизацияда мавжуд бўлади. Масалан, жамият доирасида эмас, балки алоҳида хўжалик, тармоқда технологик жараёнларни модернизация қилиш назарда тутилиши мумкин. Шунинг учун модернизация жараёнини аграр тармоқ фаолияти билан боғлиқ ҳолда иқтисодий, ижтимоий, маданий ва техник-технологик турларга бўлиш мумкин.


Техник-технологик модернизация бошқаларидан ажралган ҳолда ҳам юз бериши мумкин. Лекин шу билан бирга бу ҳолатда техник-технологик модернизацияга жамиятда юз бераётган иқтисодий, ижтимоий модернизация жараёнлари турли тўсиқлар пайдо қилади. Масалан, сутни қайта ишлайдиган корхонада замонавий ускуналар ва замонавий технология жорий этилиб, бозоргир ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Аммо, ресурс таъминоти, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларидаги ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий номуносивликлар туфайли (мазкур соҳаларда модернизация кечикмоқда деб фараз қилинса) алоҳида хўжалиқда юз берган техник-технологик модернизациядан кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш унсурлари одатда илмий натижа ёки илмий маҳсулотлар ҳисобланади ва инсоннинг мақсадли интеллектуал илмий-техник фаолияти маҳсули сифатида юзага келади.

Аммо, “илмий ҳажмдор маҳсулот” биринчи навбатда илмий натижанинг ўзи эмас балки, илмий натижанинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган маҳсулидан иборат. Яъни, илмий натижани ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш натижасида пайдо бўлган, кенг истеъмолчиларга олди сотди жараёни орқали таклиф қилинган товарлар илмий ҳажмдор маҳсулотнинг асосини ташкил қилиши лозим. Бу жараённи чорвачилик тармоғида қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

---

<sup>7</sup> <http://ru.wikipedia.org/wiki/Модернизация>.



**1-расм. Чорвачилик соҳасида илмий ҳажмдор маҳсулот шаклланиши механизми<sup>8</sup>**

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда “илмий ҳажмдор маҳсулот” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш тавсия этилади:

Илмий ҳажмдор маҳсулот – бу инсоннинг мақсадли интеллектуал илмий-техник фаолияти маҳсули, янги фундаментал билимлар ёки мавжуд амалий муаммоларнинг янги илмий техник ечимларини мураккаб технологияли ишлаб чиқариш жараёнига кенг миқёсда (шунингдек, инновацион ғоялар тарзида) жорий этиш асосида ишлаб чиқарилган (янгидан яратилган) маҳсулотдан иборат.

Бизнинг назаримизда, чорвачилик маҳсулотларининг илмий ҳажмдорлик ( $M_{ИХ}$ ) (сиғими) даражасини аниқлаш кўрсаткичи, шунга ўхшаш иқтисодий кўрсаткичлар (маҳсулотнинг фонд сиғими, меҳнат сиғими, материал сиғими) каби аниқланиши мақсадга мувофиқ. У қуйидагича кўриниш касб этади:

$$M_{ИХ} = \frac{\text{Соҳа илм-фанига ажратилган маблағлар}}{\text{Маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатлар}} \quad (1)$$

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ушбу усул бугунги кунда иқтисодиётда маҳсулотнинг ресурс (асосий фондлар, меҳнат ресурслари, моддий ашёлар кабилар) ҳажмдорлигини аниқлаш бўйича умум-қабул қилинган усул асосида тузилганлиги боисдан услубий жиҳатдан тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Аммо, иқтисодиётнинг юқори даражада ривожланган тармоқларига нисбатан қўлланилган маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлик даражасини аниқлаш усуллари чорвачилик соҳасининг қатор хусусиятлари боис аниқ натижа олишни чегаралайди. Шу сабабли, бизнингча чорвачилик тармоғида илмий ҳажмдорлик даражасини қуйидагича аниқлаш тавсия этилади:

– чорвачилик соҳаси илм-фанига (фундаментал, амалий илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар учун) ажратилган маблағлар асосида маҳсулот илмий ҳажмдорлиги даражаси аниқланади. Бунинг учун чорвачилик соҳаси билан боғлиқ йўналишлар илм-фани учун ҳамда бевосита чорвачилик илм-фани учун сарф қилинган молиявий маблағлар миқдори асос сифатида олинади.

Чорвачилик соҳаси билан боғлиқ йўналишлар илм-фани учун сарф қилинган молиявий маблағлар миқдори қуйидагича аниқланади (ЧБС<sub>й</sub>)

$$\text{ЧБС}_{\text{й}} = \frac{\text{ЖМ}}{100} \times 44,4 \quad (2)$$

бунда, **ЖМ** – маҳсулот илмий ҳажмдорлиги кўрсаткич аниқланаётган даврнинг ўтган йилида чорвачилик соҳаси билан боғлиқ йўналишларга сарф қилинган маблағлар миқдори, (млн. сўм).

– ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматида чорвачилик тармоғининг улуши ўртача 44,4 фоизда деб олинган.

Демак, республика бўйича чорвачилик соҳаси илм-фанига сарф қилинган маблағларнинг тўлиқ миқдори асосида маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги коэффиценти қуйидагича аниқланади (**ЧМИХ<sub>фин</sub>**).

$$\text{ЧМИХ}_{\text{фин}} = \frac{\text{БЧМ} + \text{ЧБС}_{\text{й}}}{\text{ЧМИХ}} \quad (3.)$$

бу ерда, **БЧМ** – бевосита чорвачилик фани учун сарф қилинган маблағлар миқдори, ўтган йилдаги ҳақиқий кўрсаткич асосида (млн. сўм);

**ЧМИХ** – чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари, ўтган йилдаги ҳақиқий кўрсаткич асосида (млн. сўм);

– чорвачилик соҳасида жами банд бўлган иш кучи таркибида юқори малакали ходимлар (илмий ходимлар) иштироки асосида маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги коэффиценти аниқланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда чорвачилик соҳасида жами банд бўлган иш кучи таркибида юқори малакали ходимлар (жумладан илмий ходимлар) иштироки асосида маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги (**ЧСХ<sub>ход</sub>**) коэффицентини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{ЧСХ}_{\text{ход}} = \frac{\text{ЧТ}_{\text{ИХ}} + \text{ЧТБ}_{\text{ИХ}}}{\text{ЧМБ} \times 0,05} \quad (4.)$$

бу ерда,  $\text{ЧТ}_{\text{ИХ}}$  – бевосита чорвачилик илм-фани соҳаси илмий ходимлари, (киши);

$\text{ЧТБ}_{\text{ИХ}}$  – чорвачилик тармоғи билан боғлиқ соҳаларда банд бўлган илмий ходимларнинг ўртача йиллик сони, (киши);

$\text{ЧМБ}$  – республика бўйича ўтган йилдаги жами чорва моллари бош сони миқдори, (шартли/бош);

– меъёр бўйича бир шартли чорва моли ҳисобига тўғри келадиган мутахассислар сонини 0,05 киши деб қабул қилинган.

– чорвачилик соҳасида мураккаб техникалар ва ашёлардан фойдаланиш кўрсаткичлари асосида маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги аниқланади.

Бунда чорвачилик соҳасида мураккаб техника ва ашёлардан фойдаланиш кўрсаткичлари асосида маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги даражаси аниқланади ( $\text{ЧМИХ}_{\text{ТЕХ}}$ );

– хавfli касалликларга қарши вакциналар, насли моллар уруғликлари билан таъминот даражаси, (коэффициент);

– худудларнинг зооветеринария шахобчалари билан таъминланганлик даражаси, (коэффициент).

Юқорида тилга олинган кўрсаткичлар амалдаги кўрсаткичнинг меъёрларга нисбати тарзида ҳисобланади ва уларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади. Демак чорвачилик соҳасида маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги даражасига – чорвачилик соҳаси илм-фанига (фундаментал, амалий илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар учун) ажратилган маблағлар асосида; чорвачилик соҳасида жами банд бўлган иш кучи таркибида юқори малакали ходимлар (жумладан илмий ходимлар) иштироки асосида; чорвачилик соҳасида мураккаб техникалар ва ашёлардан фойдаланиш асосида алоҳида-алоҳида баҳо берилгани ҳолда уларнинг умумий йиғиндиси сифатида – чорвачилик маҳсулотлари илмий ҳажмдорлиги аниқланади ( $\text{ЧМ}_{\text{ИХ}}$ ).

$$\text{ЧМ}_{\text{ИХ}} = \text{ЧМИХ}_{\text{фин}} + \text{ЧСХ}_{\text{ход}} + \text{ЧМИХ}_{\text{ТЕХ}} \quad (5.)$$

Мазкур кўрсаткич чорвачилик соҳасининг илм-фан натижаларидан фойдаланиш даражасини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич ҳисобланиб, соҳанинг бозор шароитидаги ривожланиши истиқболида илмий ҳажмдорлик даражаси ортиб бориши, гўшт ва сут маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолати**” деб номланиб, унда чорвачилик тармоғининг, хусусан гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулдорлик, аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши, чорвачилик тармоғини техник ва технологик модернизациялаш ҳолати ва унга сарф этилаётган маблағлар самарадорлиги таҳлил этилган.

Республикада ишлаб чиқарилган гўштни асосий қисмини қорамол гўшти ташкил этиб, у жами ишлаб чиқарилаётган гўштни ўртача 75 фоизини ташкил этади. Хусусан 2014 йилда республикада жами 1906,3 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 1422,1 минг тоннаси ёки 74,6 фоизи мол гўштини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2016 йилда 1616,4 минг тонна ёки 74,4 фоизни ва 2018 йилга келиб 1829,5 минг тонна ёки 75,7 фоизни ташкил этмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

**Барча тоифадаги хўжаликларда ишлаб чиқарилган гўшт таркиби бўйича тақсимланиши, минг тонна<sup>9</sup>**

| Кўрсаткичлар                      | Йиллар   |        |        |        |        | 2018 йилда<br>2014 йилга<br>нисбатан,<br>% |       |
|-----------------------------------|----------|--------|--------|--------|--------|--|-------|
|                                   | 2014     | 2015   | 2016   | 2017   | 2018   |  |       |
| <b>Жами ишлаб чиқарилган гўшт</b> | 1906,3   | 1933,4 | 2172,7 | 2286,8 | 2417,4 | 126,8                                      |       |
| шундан                            |          |        |        |        |        |  |       |
| <b>Мол гўшти</b>                  | жами     | 1422,1 | 1517,1 | 1616,4 | 1682,5 | 1829,5                                     | 128,6 |
|                                   | улуши, % | 74,6   | 78,5   | 74,4   | 73,6   | 75,7                                       | 101,4 |
| <b>Қўй гўшти</b>                  | жами     | 363,6  | 386,8  | 415,9  | 431,0  | 409,4                                      | 112,6 |
|                                   | улуши, % | 19,1   | 20,0   | 19,1   | 18,8   | 16,9                                       | 88,8  |
| <b>Парранда гўшти</b>             | жами     | 85,3   | 90,7   | 99,7   | 133,5  | 173,0                                      | 202,9 |
|                                   | улуши, % | 4,5    | 4,7    | 4,6    | 5,8    | 7,2  | 160,0 |
| <b>Чўчқа гўшти</b>                | жами     | 20,5   | 22,5   | 23,8   | 23,9   | 3,6  | 17,6  |
|                                   | улуши, % | 1,1    | 1,2    | 1,1    | 1,0    | 0,1  | 13,9  |
| <b>Бошқа турдаги гўшлар</b>       | жами     | 15,5   | 16,3   | 16,7   | 15,9   | 15   | 96,9  |
|                                   | улуши, % | 0,8    | 0,8    | 0,8    | 0,7    | 0,6  | 76,4  |

Қўй гўшти ҳам ишлаб чиқарилаётган гўшт таркибида салмоқли улушга эга бўлиб, у 2014 йилда 363,6 минг тонна ёки 19,1 фоиз, 2016 йилда 415,9 минг тонна ёки 19,1 фоиз ва 2018 йилда 409,4 минг тонна ёки 16,9 фоизни ташкил этган.

Гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини таҳлил этишда аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан таққослаш орқали баҳо бериш жаҳон амалиётида ва иқтисодий адабиётларда кенг қўлланилади. Тиббий меъёр бўйича аҳоли бир йилда 21,51 кг мол гўшти, 8,34 кг қўй гўшти ва 9,79 кг парранда гўштини истеъмол қилиши лозим<sup>10</sup>. Мамлакатимиз шароитида ишлаб чиқарилган мол гўштининг аҳоли жон бошига нисбатан таҳлил этганда, бу кўрсаткич 2014 йилда 27,5 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 6 кг кўп), 2015 йилда 28,8 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 7,3 кг кўп), 2016 йилда 30,2 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 8,7 кг кўп), 2017 йилда 30,9 кг.ни

<sup>9</sup> Ўзбекистон рақамларда статистик тўплами, Т.: 2019 йил. 163 бет.

<sup>10</sup> Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар сарфи меъёрлари. ҚХИИТИ., Т.: 2016, 81-бет.

(тиббий меъёрга нисбатан 9,4 кг кўп) ва мос равишда 2018 йилда 33,0 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 11,5 кг кўп) ташкил этмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Аҳоли жон бошига нисбатан гўшт ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг тиббий меъёрга нисбатан ўзгариш динамикаси<sup>11</sup>**

| Кўрсаткичлар   |  | Ўлчов бирлиги | Йиллар  |         |         |         |         |
|----------------|--|---------------|---------|---------|---------|---------|---------|
|                |  |               | 2014    | 2015    | 2016    | 2017    | 2018    |
| Аҳоли сони     |  | млн.киши      | 31022,5 | 31575,3 | 32120,5 | 32656,7 | 33255,5 |
| Мол гўшти      | Мол гўшти истеъмоли бўйича тиббий меъёр      | кг/йил        | 21,51   | 21,51   | 21,51   | 21,51   | 21,51   |
|                | Ишлаб чиқарилган мол гўшти (сўйилган вазнда) | минг тонна    | 853,26  | 910,26  | 969,84  | 1009,5  | 1097,7  |
|                | Аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш      | кг            | 27,5    | 28,8    | 30,2    | 30,9    | 33,0    |
|                | Фарк (+,-)                                   | кг            | 6,0     | 7,3     | 8,7     | 9,4     | 11,5    |
| Кўй гўшти      | Кўй гўшти истеъмоли бўйича тиббий меъёр      | кг/йил        | 8,34    | 8,34    | 8,34    | 8,34    | 8,34    |
|                | Ишлаб чиқарилган кўй гўшти (сўйилган вазнда) | минг тонна    | 218,2   | 232,1   | 249,5   | 258,6   | 245,6   |
|                | Аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш      | кг            | 7,03    | 7,35    | 7,77    | 7,92    | 7,39    |
|                | Фарк (+,-)                                   | кг            | -1,31   | -0,99   | -0,57   | -0,42   | -0,95   |
| Парранда гўшти | Парранда гўшти истеъмоли бўйича тиббий меъёр | кг/йил        | 9,79    | 9,79    | 9,79    | 9,79    | 9,79    |
|                | Ишлаб чиқарилган парранда гўшти              | минг тонна    | 85,3    | 90,7    | 99,7    | 133,5   | 173     |
|                | Аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш      | кг            | 2,7     | 2,9     | 3,1     | 4,1     | 5,2     |
|                | Фарк (+,-)                                   | кг            | -7,0    | -6,9    | -6,7    | -5,7    | -4,6    |

Кўй гўшт эса аҳоли жон бошига нисбатан 2014 йилда 7,03 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 1,3 кг кам), 2015 йилда 7,35 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 1 кг кам), 2016 йилда 7,7 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 0,6 кг кам), 2017 йилда 7,92 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан 0,4 кг кам) ҳамда 2018 йилга келиб эса 7,39 кг.ни (тиббий меъёрга нисбатан қарийб 1 кг. кам) ташкил этган.

Тошкент вилоятининг баъзи туманларида чорвачилик хўжаликларининг замонавий техника ва технологиялар билан қуролланганлик даражаси таҳлил қилинди. Қибрай туманида жами чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи 98 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улардан сут соғиш зали мавжудлари 20 тани ёки жами хўжаликларнинг 20,4 фоизини, сут соғиш мобиль ускунасига эгалари 48 тани ёки 49 фоизини ташкил қилади. Замонавий озуқа ўриш комбайнига эга фермерлар 5 тани (5,1 фоиз), аралаш озуқалар тайёрлаш цехига эга фермерлар 22

<sup>11</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

тани (22,4 фоиз), озуқа тарқатиш техникасига эга фермерлар 20 тани (20,4 фоиз) ҳамда гўнг чиқариш тизимига эга хўжаликлар 12 тани (12,2 фоиз) ташкил қилади (3-жадвал).

3-жадвал.

**Тошкент вилоятидаги баъзи туманларда чорвачилик фермер хўжаликларининг техник модернизациялашганлик даражаси<sup>12</sup>, (2018 йил)**

| Туманлар   | Жами чорвачилик фермер хўжаликлари сони, дона | Шундан:                          |      |  |      |  |      |  |      |   |      |                                      |       |                                 |      |
|------------|---|----------------------------------|------|--|------|--|------|--|------|---|------|--------------------------------------|-------|---------------------------------|------|
|            |   | сут соғиш зали мавжуд хўжаликлар |      | сут соғиш мобилъ ускунасига эга хўжаликлар |      | замонавий озуқа ўрим комбайнига эга хўжаликлар |      | аралаш озуқалар тайёрлаш цехига эга хўжаликлар |      | озуқа тарқатиш техникасига эга хўжаликлар |      | гўнг чиқариш тизимига эга хўжаликлар |       | замонавий бинога эга хўжаликлар |      |
|            |   | сон                              | %    | сон  | %    | сон  | %    | сон  | %    | сон                                       | %    | сон                                  | %     | сон                             | %    |
| Кибрай     | 98  | 20                               | 20,4 | 48   | 49,0 | 5  | 5,1  | 22   | 22,4 | 20  | 20,4 | 12                                   | 12,2  | -                               | -    |
| Янгийўл    | 62  | 12                               | 19,4 | 41   | 66,1 | 42   | 67,7 | 8  | 12,9 | 47  | 75,8 | 62                                   | 100,0 | 6                               | 9,7  |
| Зангиота   | 35  | 1                                | 2,9  | 3  | 8,6  | 3  | 8,6  | 7  | 20,0 | 7   | 20,0 | 1                                    | 2,9   | 1                               | 2,9  |
| Чиноз      | 19  | 5                                | 26,3 | 9  | 47,4 | 10   | 52,6 | 4  | 21,1 | 14  | 73,7 | 19                                   | 100,0 | 11                              | 57,9 |
| Ўртачирчиқ | 28  | 10                               | 35,7 | 9  | 32,1 | 9  | 32,1 | 11   | 39,3 | 15  | 53,6 | 10                                   | 35,7  | 8                               | 28,6 |
| Пискент    | 53  | 11                               | 20,8 | 10   | 18,9 | 9  | 17,0 | 10   | 18,9 | 10  | 18,9 | 10                                   | 18,9  | 11                              | 20,8 |
| Оккўрғон   | 44  | 3                                | 6,8  | 29   | 65,9 | 2  | 4,5  | 7  | 15,9 | 16  | 36,4 | 1                                    | 2,3   | 3                               | 6,8  |
| Қуйичирчиқ | 35  | 5                                | 14,3 | 11   | 31,4 | 3  | 8,6  | 5  | 14,3 | 4   | 11,4 | 6                                    | 17,1  | -                               | -    |
| Бўка       | 59  | 14                               | 23,7 | 17   | 28,8 | 13   | 22,0 | -  | -    | 14  | 23,7 | 28                                   | 47,4  | 15                              | 25,4 |

Зангиота туманида бу борадаги кўрсаткичлар бироз пастлигича қолмоқда. Туманда мавжуд бўлган жами 35 та фермер хўжалигидан атига биттасида соғиш зали, учтасида мобил сут соғиш ускунаси ҳамда 20 фоизида аралаш озуқа тайёрлаш цехи бор, холос.

Таҳлиллар кўрсатишича фермер хўжаликларининг аксариятида фақат бир турдаги замонавий техник ускуна мавжуд бўлиб фермер хўжаликларида техник-технологик воситалар етишмайди. Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида чорвачилик хўжаликларини техник-технологик модернизациялашга таъсир кўрсатувчи омиллар сўровномалар орқали тадқиқ этилди. Хусусан Тошкент вилоятининг Қибрай, Оҳангарон, Бўка туманларида жами 100 та фермер хўжаликларидан хўжаликни техник ва технологик қуролланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилди (2-расм).

<sup>12</sup> Тошкент вилоятида ўтказилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.



**2-расм. Чорвачилик хўжалигини модернизациялашга таъсир кўрсатувчи жиҳатлар (жами респондентларга нисбатан фоиз)<sup>13</sup>**

Сўровномада иштирок этган респондентларнинг 11 фоизи хўжаликларни технологик модернизациялашда ресурслар етказиб беришда учраётган ҳолатлар таъсир кўрсатади, деб ҳисобласалар, 23 фоизи кредит ажратишдаги муаммоларни, 29 фоизи гаров таъминоти билан боғлиқ муаммолар, 14 фоизи валюта кредити рискнинг юқорилиги ҳамда 18 фоизи айланма маблағлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини таъкидлаган.

Диссертация ишининг учунчи боби “**Гўшт ва сут етиштириш соҳасини модернизациялашни рағбатлантириш йўллари**” деб номланган бўлиб, унда чорвачилик тармоғини модернизациялашни давлат томонидан рағбатлантириш, “ақлли ферма”ларни илмий-техник қўллаб-қувватлаш йўллари ҳамда гўшт ишлаб чиқаришнинг ривожланиш истикболлари асосланган. Жумладан, республикамиз шароитида гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарни техник ва технологик модернизациялаш тадбирларини давлат йўли билан иқтисодий рағбатлантиришда қўйидаги асосий йўналишлар тавсия қилинади. Бунда чорвачилик хўжаликлари ва қайта ишловчи субъектларини техник ва технологик модернизациялашни субсидиялашда модернизациялашга сарф қилинган (харид қилинган замонавий техник ускуналар ва технологиялар, инновацион билимларни ўзлаштириш) маблағларнинг бир қисми компенсация қилинади.

Техник ва технологик модернизацияга йўналтирилган харажатларни субсидиялаш объектлари сифатида қўйидагилар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ (3-расм).

Маълумки иқтисодиёт ва илм-фаннинг ривожланиши натижасида ахборот технологиялари, дастурлаш асослари, рақамли технологиялар ривожланиб бораётган бўлиб, у иқтисодиётнинг барча тармоқларига бирдек кириб бормоқда.

<sup>13</sup> Анкета-сўров натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Чорвачилик тармоғи ҳам бундан мустасно эмас. Ривожланган давлатларда чорвачилик тармоғида “ақлли ферма”ларни ташкил этишнинг илмий, ташкилий ва техник асослари ривожланиб бормоқда. Шу боис, республикамизда гўшт ҳамда сут етиштирувчи хўжаликлар негизида “ақлли ферма”ларни ташкил этиш зарурати ортмоқда.



**3-расм. Гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарни модернизациялаш тадбирларини субсидиялаш<sup>14</sup>**

Шу сабабли, бизнингча Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг илмий ва техник салоҳияти мавжудлиги ва тизим корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини инобатга олиб, Қўмита таркибида чорвачилик тармоғини замонавий технологиялар билан таъминлаш, “ақлли ферма”лар фаолиятини ривожлантиришга доир масалаларни мувофиқлаштирувчи “Ақлли чорвачилик тизимини қўллаб-қувватлаш маркази”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ (4-расм).

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

